



O'ZBEKISTON OVOZI

2014-yil, 2-dekabr. Seshanba • 143-144 (31.891) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1 декабрь кuni Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Го Шэнкунни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон мамлакатлари-миз ўртасидаги очиқлик ва ишончга асосланган тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни юксак кадр-лашини таъкидлади.

Мунтазамлик касб этган, ўзаро англашув, ҳурмат ва манфаатдорлик руҳида ўтадиган олий даражада-ги учрашувлар икки томонлама ҳамкорликнинг де-ярли бarcha йўналишлари бўйича фикрлар яқин ва ўхшаш эканидан далолат беради.

Хитой Давлат кенгаши аъзоси давлатимиз раҳба-ри Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг изчил ривожланишига улкан ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади. Го Шэнкун Ўзбекистонда ҳукм сураёт-ган тинчлик, осойишталик ва ҳамжихатлик юксак са-маралар бераётганини қайд этди.

Минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш бора-сидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналиши — бу турли таҳдид ва хавф-хатарларга биргаликда қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни янада фаоллаш-тиришдан иборатдир.

Ўзбекистон ва Хитой минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим омил бўла-ётган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқаларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида кўп қиррали ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар бўйича фикр алмашилди.

Хитой Халқ Республикаси жамоат хавфсизлиги вазири Президент Ислам Каримовга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенг, изчил давом этти-ришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎЗА

САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ ҲУҚУҚИ



Сайловларда фаол иштирок этиш

сиёсий ҳуқуқларни амалга оширишнинг муҳим шаклидир

2

МУНОСАБАТ

Эрта тонгдан шаҳарни айланиш учун кўчага чиқдим. Терми-нинг ҳар бир кўчаси, катта-кичик иншоотлари вужудининг бир парчаси каби азиз. Ҳам ишим юзасидан, ҳам бу шаҳарни яхши кўрганимдан унинг қайси маҳалласида нима ўзгариш, қандай янгилик — ҳаммасидан хабардор бўлгим келади...

Юксак мукофот қувончи ва масъулияти

Айтсам, ишонмайсиз, айниқса, бугун Термиз кўзимга жуда бош-кача кўриняпти, ёшариб, тарихий салобати янада ошгандек. Бола-сини боғчага етаклаган оналар, илм олишга шошилаётган мактаб ўқувчилари, ҳар кунги ишига оши-қаётган одамлар — ҳаммининг юзида мамнунлик, гурур уфуриб турибди. Чунки, кеча бу шаҳар Давлат раҳбаридан мамлакатнинг энг юксак мукофотларидан бири — Амир Темур орденини қабул қилди.

Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг ушбу юксак мукофотни топширишга бағиш-ланган тантанали маросимдаги нутқини тинглаб, шаҳарнинг яқин ўтмиши, бу шаҳарда кўрганларим бир-бир кўз олдимдан ўтди.

Вилоятимиз маркази — Термиз бундан 25-30 йил аввал бутунлай ғариб аҳволда эди. У кўнча, та-рихий шаҳар бўлса-да, уни навқир-нон, обод деб бўлмасди. Чунки Термиз собиқ иттифок учун чега-ра гарнизони эди, холос. Сувсиз-ликдан дарахтлар қуриган, кўча-лар тор, ичимлик суви танқис, хуллас, одам яшаш учун тузук-роқ шароит йўқ эди. Ҳажим Тер-мизий, Абу Исо Термизий, Сул-тон Саодат, Кокилдор ота, Фаёз-тепа каби азиз жойлар қаровисиз, эътиборсиз ётарди.

Мустақиллик йилларида бу ша-ҳарда амалга оширилган бунёд-корлик, ободонлаштириш ишла-рига, одамларнинг ҳаёти, кайфия-тидаги ўзгаришларга ўзим гувоҳ-ман. Мустақиллик тудайли Тер-мизнинг тарихий салобати, шар-қона кўрки тикланди, замонавий қиёфаси бутунлай ўзгарди. Кўп-лаб маърифат, таълим-тарбия, тиббиёт ва спорт масканлари бун-ёд этилди. Нафақат Термизда, шу билан бирга, бутун Сурхон воҳа-сида одамлар учун муносиб тур-муш шароити яратиш, sanoat, ку-рилиш ва хизмат кўрсатиш соҳа-ларини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган из-чил чора-тадбирлар катта натижа бермоқда.

Президентимиз ўз нутқида эътибор қаратганидек, сўнгги йил-ларда замонавий лойиҳалар асо-сида вилоятимизнинг қишлоқ жой-ларида 3 минг 772 та уй-жой ку-рилди. Биргина Термиз шаҳрида маҳаллий шароитга мос бўлган 1 минг 41 та квартираддан иборат 36 та кўп қаватли уй-жой қад ростла-ди. Термиз давлат археология му-зейи, Термиз давлат университете-тининг янги биноси, «Бахт уйи», «Сурхон» спорт мажмуаси каби бир-биридан муҳташам ва кўркам иншоотлар бугун шаҳарга ўзгача кўрк, шуқуҳ бахш этмоқда. Ўтган асрда пахта тозалаш, темир-бе-тон буюмлари ишлаб чиқаришдан бошқа тузукроқ sanoat корхонаси бўлмаган шаҳарда бугун ишлаб чи-қариш ҳар жиҳатдан юксалмоқда, озиқ-овқат, фармацевтика, энгил sanoat, қишлоқ хўжалиги маҳсу-лотларини қайта ишлаш кенг ри-вожланмоқда. Бугун бу шаҳарнинг 2500 йиллик буюк тарихи дунё қадимшунослари ва хориқлик сай-ёҳларни ўзига тобора махлиё эт-моқда.

Одам яшаётган жойидан фخر-ланиши керак. Ана шу туйғу киши-га уни янада обод қилиш учун кўч бераркан. Мен ҳозир ўзимда шуни ҳис қилипман, одамларнинг юз-кўзида ҳам шундай кўч, мамнун-лик кўряпман. Тантанали маросим-да Термиз, бутун вилоят аҳли шаъ-нига Президентимиз айтган илиқ гаплар ҳар бир сурхондарёликни гурурлантирди, кўнглини тоғдек кўтарди. Термиз шаҳрига берил-ган юксак мукофотга ҳар томонла-ма муносиб бўлишдек юксак вази-фа зиммамизда турибди, буни ҳар бир сурхондарёлик ўзига яхши та-саввур қилади, деб ишонаман.

Орзукул СОАТОВ,
«Маҳалла» хайрия
жамоат фонди
Сурхондарё вилоят бўлими
бошқаруви раиси ўринбасари,
халқ депутатлари
вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи
аъзоси.

ФАРМОН ВА ИЖРО



Фахрийларга ғамхўрлик

Президентимиз раҳнамоли-гида аҳоли, айниқса, ёши улғу инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улар учун му-носиб турмуш шароити яра-тишга алоҳида эътибор қара-тилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 13 октябрда қабул қилинган «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қув-ватлашни янада кучайтириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги Фармони бу бо-радаги ишлар самарадорлигини оши-ришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатда 1941-1945 йиллар уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватла-шни янада кучайтириш, улар саломат-лигини мустаҳкамлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, тиббий ҳамда са-наторий-соғломлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш даражаси ва сифати-ни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Тошкент вилоятининг Қибрай тум-нида жойлашган «Бўстон» санаторий-сида юрак қон-томир, овқат ҳазм қилиш, асаб каби касалликлар билан оғриган беморлар даволанади. Сана-торийнинг тажрибали шифокорлари за-монавий, самарали усуллар, маздан-

ли сув муолажаларидан фойдаланган ҳолда беморларнинг тетик ва бардам бўлишига яқиндан кўмаклашмоқда.

— Муолажаларни бошлаганимга кўп бўлмаган бўлса-да, ўзимни тетик ва соғлом ҳис қилмоқдаман, — дейди «Бўстон» санаторийсида саломатлиги-ни тиклаётган пойтахтимизнинг Яшно-бод туманида яшовчи Исоқ Муродко-симов. — Биз, кексаларнинг дам оли-ши, даволаниши учун шундай қўлай шароитлар, имтиёз ва имкониятлар яратиб бераётган Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Санаторий раҳбари Ф.Ақбаровнинг айтишича, мазкур фармон ижросини таъминлаш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, уруш ва меҳнат фронти фахрийларини нав-батсиз қабул қилиш, тиббий кўриқдан ўтказиш, ташхис қўйиш учун масъул ходимлар тайинланиб, шифокор ва ҳамширалардан иборат ишчи гуруҳи тузилган.

Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида инсон, унинг кадр-қим-мати, бахт-саодати, саломатлиги учун қилинаётган кенг қўламли ишлар са-маралари сифатида юртдошларимиз-да ҳаётдан мамнунлик, эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлашга хиз-мат қилмоқда.

Б.ҲИДОЯТОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳар бир туман ва шаҳар миқёсида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг мутахас-сислиги бўйича бандлигини таъминлашга қаратилган аниқ режаларни ишлаб чиқиш ва амалда ижро этиш борасидаги масъу-лятни ошириш, шу билан бирга, ҳар бир би-тирувчининг истиқболдаги иш жойини ав-валдан аниқлаш, улар ишлаб чиқариш ама-лиётини мазкур иш ўринларида ўташларини таъминлаш лозим, деб ҳисоблайди.

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМOKPATИK ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

3 4 5 6 7

САЙЛОВ — 2014

Сайлов участкаларида тайёргарлик ишлари қизғин

Жорий йилнинг 21 декабрь кuni бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вило-ят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик барча сайлов участкаларида қизғин паллага кирди.

Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида 46 та сайлов участкаси бўлиб, уларнинг барчасида сай-ловчиларни рўйхатга олиш ишла-

ри якунланди. Газетаимизнинг Фарғона вилояти бўйича мух-бири Муҳаммаджон Обидов 523-сайлов участкасида бўлиб, у

ердаги шароитлар билан таниш-ди.

Унинг хабар қилишича, мазкур сайлов участкасида сайловчилар учун барча техник ва ташкилий шароитлар яратилган. Сайловчи-ларга бюлетьень тарқатиш учун 8 та қўлай жой тайёрланган.

Сайлов кuni сайлов участкаси-га кела олмайдиган беморлар, шу кuni хизмат сафарига буладиган

сайловчилар рўйхати ҳам шакл-лантирилган. Шунингдек, мudda-тидан олдин овоз бериши учун сайлов varaқалари кунунда бел-гиланган тартибда олиб борилиш-га ҳозирлик кўриломоқда. Бун-дан ташқари, сайловчиларга де-путатликка номзодларнинг сайлов-олди дастурини кенг тўшунтириш ишлари давом эттириляпти.

Маълумот ўрнида яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу йилги сай-ловларда мазкур сайлов участка-сида илк бора овоз берадиган ёшлар 304 нафарни ташкил эта-ди. Участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан уларга сай-лов қонунчилиги ва овоз бериш тартиби ҳақида маълумотлар бе-рилмоқда.

ЎЗ мухбиримиз.

«Ўзбекистон овози»
газетаси сайтыда ўқинг

Юксак
эътирофнинг
масъулияти



www.uzbekistonovozi.uz

СПОРТ



РАВШАН ЭРМАТОВ — ОСИЁНИНГ «ЭНГ ЯХШИ ҲАКАМИ»!

Кuni кеча Филиппин пойтахти Манила шаҳрида Осие футбол конфедерациясининг олтинчи йиллиги ва йил лау-реатларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ҳамюртимиз, ФИФА рефери-си Равшан Эрматов 2014 йил якунлари бўйича қитъамизнинг «Энг яхши ҳаками» номинация-сида голиб, деб топилди. Бунга-ча Ўзбекистонлик рефери 2008, 2009, 2010, 2011 йилларда кет-ма-кет тўрт маротаба ана шун-дай эътирофга сазовор бўлган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ке-ракки, Равшан Эрматов шу йил-нинг ёзида Бразилия яшил май-донларида ўтказилган жаҳон чем-пионати финал босқичида тўртта учрашувни бошқарди ва мунди-алда ўзи иштирок этган ўйинлар сонини тўққизтага етказиб ре-корд ўрнатди.

Шунингдек, тантананда «Осие

олмоси» соврини — Япония фут-бол уюшмасига топширилган бўлса, Жанубий Корея футбол ассоциацияси эса «Fair Play» (Халол ўйин) номинацияси бўйича тақ-дирланди. Бундан ташқари, «Йилнинг энг яхши мураб-бийи», «Йилнинг энг яхши фут-болчиси», «Хорижда тўп су-раётган энг яхши осиелик ўйин-чи», «Йилнинг энг яхши футбол клуби» сингари номинацияларда ҳам голиблар номи эълон қилинди.

Эркин ХОЛБОБО

ЎзХДП Сайловолди

дастурида уй-жой-коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, бунинг учун зарур муҳандислик ва ижтимоий инфратузилмани жадал тараққий топтириш зарурлиги алоҳида қайд этилган.

Уларнинг аҳоли турмуш дара-жасини яхшилашдаги аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билан газетамизнинг кейинги сонларида танишишингиз мумкин.



8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

БОШ ҚОМУСИМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий пойдевори бўлмиш Конституция қабул қилинганига бу йил йигирма икки йил тўлади. Янги демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ҳамда фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларимиз Бош Қомусимизда кафолатланган қонунларимизнинг амалдаги намоёнидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ва давлатнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда инсон ҳуқуқлари устуворлиги, давлат билан фуқаронинг ўзаро сиёсий-ҳуқуқий масъулиги принципларига асосланувчи тамомила янги концепцияга таянган бўлиб, унда илк бор инсон ҳуқуқлари категорияси конституциявий даражада мустахкамлаб кўйилган.

Инсон ҳуқуқларининг янги концепцияси конституциявий қонунчилигимизда ўз юридик тасдиғини топаётган бўлиб, улар Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий ҳуқуқий мақоми сифатида муайян принципларга таянади. Ушбу принциплар универсал ҳусусиятга эга бўлиб, улар қаторига қуйидагилар кирди.

Биринчидан, **инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлари тенглик ҳамда тенг ҳуқуқлилик асосида амалга оширилади.** Бу принцип Конституцияда уч жиҳатдан таърифланган: барча фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги; фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг тенглиги; эркинлик ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлиги.

Иккинчидан, **Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатланганлиги принципи.** Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 2-моддасига асосан Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига ҳизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар дейилган.

Шунингдек, Конституцияда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар давлат томонидан муҳофаза қилиниши алоҳида эътироф этилган. 13-модданинг 2-қисмида демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилини-

ши, 19-моддада фуқароларнинг Конституция ва қонунлардан мустахкамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмаслик шарт. Шунингдек, Конституциянинг 13-моддасида кўрсатиб ўтилгандай «Ўзбекистон Республика-

сида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади». Бош Қомусимизнинг 19-моддасида эса, фуқароларнинг Конституция ва қонунлардан мустахкамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб кўйишга ҳеч қандай эмаслиги таъкидланган.

Мамлакатимизда «Хабаскорпус» институтининг жорий этилиши, 2008 йил 1 январдан бошлаб эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга берилганлиги Конституцияда назарда тутилган нормаларга тўлиқ мос келади. Амалдаги қонунларга кўра, бу жараён томонларнинг ўзаро тортишуви таъминланган ҳолда амалга оширилади. Яъни, судда гумон қилинаётган шахсга ўзини ҳимоя қилишга барча шароит-

Конституциямиз мустақил давлатимизнинг буюк келажак сари интилишининг ҳуқуқий пойдевори ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда самарали таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

лар яратилди. Конституциямизнинг 80-моддаси 10-бандига ҳамда 93-моддаси 23-бандига асосан, анъанавий тарзда қабул қилинаётган амнистия аклари ҳам мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган демократик ислохотлар амалга оширилаётганлигининг ёрқин далилидир.

Конституциямизнинг 24-моддасида эса «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», дейилган. Ҳақиқатдан ҳам, ҳаёт инсонга Аллоҳ таоло томонидан бахшида этилган энг буюк неъматдир. Ундан маҳрум этиш эса инсонпарварликка зиддир. Жиноий жазони либераллаштириш борасидаги муҳим ютуқларимиздан бири, мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо сифатида ўлим жазоси бекор қилинди. Унинг ўрнига умрбод ёки узок муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон қилувчи умумэтироф этилган халқаро тамойиллар ва меъёрлардан келиб чиққан Бош Қомусимизнинг 24-, 25-моддалари талабларига тўлиқ мос келади.

Маълумки, Конституциявий ҳуқуқ мақоми тизимида сўз ва эътиқод эркинлиги муҳим ўрин тутади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини либераллаштиришга, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Лекин, ҳар қандай демократик жамиятда демократиянинг бу шартлари амалдаги қонунларга асосан, ўз чегара меъёр ва мезонларига эгадир.

Конституциянинг муҳим жиҳатларидан яна бири, фуқароларга берилган ижтимоий ҳуқуқларнинг қонуний мустахкамланганлигидир. Асосий Қонунимизнинг 39-моддасида «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга», деб белгилаб кўйилган. Хусусан, парламенти томонидан қабул қилин-

ган «Ўзбекистон Республикасининг ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги ва бошқа шу каби қонунлар фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асослари бўлиб хизмат қилмоқда.

Бош Қомусимизда қонуний мустахкамлаб кўйилган яна бир муҳим масала фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини самарали муҳофаза этиш масаласидир. Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий заминини яратиш манфаатларидан келиб чиқиб, Конституция хусусий мулк дахлсизлиги ва унинг давлат томонидан ҳимояланишини (53-модда) ҳамда ҳар қимнинг мулкка эгаллик ҳуқуқини (36-модда) мустахкамлади.

Асосий Қонунимизда билим олиш, фан-техника тараққиёти масалаларига алоҳида эътибор берилиб: «Ҳар қим билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир», дейилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Бош Қомусимизнинг муқаддимасидан охириги моддасигача мустақиллик, демократия, инсон ҳуқуқлари ва Ватан равнақи гоёлари мустахкам ўрин олган.

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг қайси жаҳасини олмайллик, Конституциямиз ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлакатимиз Конституциясининг асосий мақсадидир.

Муҳтасар айтганда, Конституциямиз мустақил давлатимизнинг буюк келажак сари интилишининг ҳуқуқий пойдевори инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда самарали таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

Абдуғафур САТТАРОВ, Тошкент давлат юридик университети ҳуқуқий тадқиқотлар маркази етакчи илмий ҳокими, юридик фанлар доктори.

САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ ҲУҚУҚИ

Сайловларда фаол иштирок этиш

сиёсий ҳуқуқларни амалга оширишнинг муҳим шаклидир

ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси асосида «Сайловларда хотин-қизлар ва ёшларнинг муносиб иштирокини таъминлаш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодлар, хотин-қизлар ва ёшлар иштирок этди.

Ўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида олиб борилётган саъй-ҳаракатлар, депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши шартлиги тўғрисидаги қонуний меъёرنинг аҳамияти ва аёлларнинг вакиллик ҳокимиятида иштирокини мустахкамлашдаги ўрни ҳақида алоҳида ўтхталаиб ўтди.



Хафиза КАРИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Юртимизда демократик тамойиллар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганини хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ислохотлар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Энг муҳими, бу масала бевосита сайлов тизими-га ҳам тааллуқли. Чунки хотин-қизлар ҳам барча сайловлар ва референдумларда овоз бериш ҳамда сайланадиган органларга сайланиш, ҳуқуқат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда ҳамда давлат ла-

возимларини эгаллашда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Хотин-қизларнинг сайлов ва сайланиш ҳуқуқидан хабардор бўлиши уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади. Шунинг учун, мамлакатимизда жорий йил охирида бўлиб ўтадиган сайловларга қиз-қиз тайёргарлик кўрилатган айни кунларда хотин-қизлар фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга сайлов ҳуқуқларини тушунтириш муҳим вазифалардан биридир.

Гулшан АСАТОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудир:

— Албатта, тўғри таъкидланди, сайлов кампанияси қизгин паллага кирган ҳозирги кунда аёллар фаоллиги ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун биз депутатликка номзод кўрсатиладиган аёллар билан ишлаш, сайловда рақобат жараёнида уларнинг фаоллигини янада кучайтириш, сайловлар билан учрашувларни юқори савияда ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Бундан ташқари, сайловларда иштирок этадиган парти-янинг кузатувчиси ва ваколатли вакиллари таъминлашда фаол аёлларнинг кенг жалб этиш, уларга бу борадаги вазифалари бўйича кенг тушун-

ча бериш муҳим вазифа ҳисобланади. Тадбир сўнггида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга депутатлар жавоб беришди. Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар, хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилётган ишлар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЎзХДП ташаббуси билан бундай тадбирлар Тошкент вилоятининг Пскент туманида, Жиззах ташқари, Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида, Фарғона ва Навоий шаҳарларида ҳамда бошқа худудларда ҳам ўтказилди.

Феруза ТўРАЕВА

ҚОНУН ВА ШАРҲ

МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК

кучайтирилиши қонун ва адолат устуворлигини таъминлайди

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бошлаб давлатимиз томонидан коррупцияга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, коррупция жамият ва давлат тараққиётининг нормал фаолиятга, миллий иқтисодиёт ривожига тўсқинлик қилади. Фуқароларда давлат бошқаруви органлари нисбатан ишонсизлик туғусининг кучайишига ҳамда мамлакатнинг халқаро доирадаги обрўсига путур етишига сабаб бўлади.

Яқин кунларга қадар бундай кураш асосан мансабдор шахсларнинг пора олиш ҳолатларини аниқлаш ва уларни жавобгарликка тортиш билан чегараланиб келинди.

Ўз навбатида, мансабдор шахсларни пора олишга қизиқтирувчи, воситачилик қилувчи ва бевосита пора беришчи аксарият ҳолатларда жиноий жавобгарликдан қўтилиб қолиши ҳамда жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлик таъминоти бўзилди. Шунинг баробарида бу турдаги жиноятларни қаматиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳар доим ҳам қўрилиб ижобий натижаларни бермади.

Шуларни эътиборга олиб, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 2014 йил 14 май куни қабул қилинган қонун билан Жиноят ко-

дексининг пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун жавобгарлик белгиланган 211-, 212-моддаларига ўзгаришлар киритилди. Пора беришчи пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахсларга нисбатан таъинланган жазо тури, миқдори ва муддатлари ўзгаририлиб, уларнинг жавобгарлиги пора олувчи мансабдор шахснинг жавобгарлигига тенглаштирилди.

Амалдаги Жиноят кодексининг 211-моддасида пора беришчи шахс, 212-моддасида пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахс, башарти, жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очиди фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод этилишига оид рағбатлантирилувчи қоида мавжуд эди.

Янги қонун билан ушбу қоидага ҳам ўзгариш киритилиб, пора беришчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар учун белгиланган мазкур рағбатлантирувчи қоидага қўллаш асослари чегаралаб кўйилди. Эндиликда пора беришчи ва жиноят ҳақида ҳар қандай муддатда хабар берганлиги учун жавобгарликдан озод этилмайди. Балки жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилсагина жавобгарликдан озод қилинади.

Хуллас, янги қонун пора беришчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахсларда жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини, порахўрлик жиноятлари профилактикасини оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда, мазкур қонун талабларининг тушунарли бўлиши учун, пора берган ва пора олиш-беришда воситачилик қилган шахснинг жавобгарликдан озод қилиш шартлари алоҳида эътибор бериш зарур бўлади.

Чунончи, пора сўраб товламачилик қилган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахснинг жавобгарликдан озод қилиш шартлари Жиноят кодекси 211-моддасининг 4-қисми ва 212-моддасининг 4-қисмида қатъий белгиланган талабларнинг барчаси мавжуд бўлсагина, яъни: — товламачилик йўли билан пора та-

Мамлакатда коррупцияга қарши курашнинг амалий самараси кўп жиҳатдан суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимининг ўзида бу иллатга қарши қандай кураш олиб борилаётгани билан таққосланган ҳолда баҳоланади.

лаб қилинган ҳолат далиллар асосида тўлиқ тасдиқланса; — ариза қонунда назарда тутилган

муддатда, яъни ўттиз сутка ичида тақдим қилинса;

— ҳар қандай ноқонуний ташқи таъсирлардан (жисмоний, руҳий) холи тарзда ўз ихтиёри билан арз қилинса;

— пора берганлик ва воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахс содир этган жиноий қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса;

— пора берганлик ва воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахс ушбу жиноятни очиди фаол иштирок этса жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Қонуннинг ушбу бешта талабидан бирортаси мавжуд бўлмаса, пора берганлик ёки воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди.

Шу ўринда, порахўрлик жиноятларига қарши курашда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг масъулиятини кучайтириш алоҳида аҳамият касб этишини таъкидламоқчимиз. Чунки бу бутун ҳокимиятнинг обрўси ва ҳалқимизнинг адолатга бўлган ишончини белгилайди. Ҳеч шубҳасиз, мамлакатда коррупцияга қарши курашнинг амалий самараси кўп жиҳатдан суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимининг ўзида бу иллатга қарши қандай кураш олиб борилаётгани билан таққосланган ҳолда баҳоланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, мазкур қонунни қабул қилишдан асосий мақсад — коррупциянинг, айниқса порахўрлик жиноятларининг туб илдинини қирқиш, жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ва бу турдаги жиноятлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш баробарида жамиятда қонун ва адолат устуворлигига эришишдир.

Исмаилюлла МАМАНОВ, Санжар ДУСМАНОВ, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди судьялари.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашларига ўтказиладиган сайлов олдида қандай гояларни олға сурмоқда? Бу ҳақда мазкур сайтдан қандай тафсил ахборот олишингиз мумкин.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Навоий вилояти

Насиба АШУРОВА

(34-Навоий сайлов округи)



1974 йилда Кармана туманида туғилган. Навоий давлат кончилик институтини машина-созлик иқтисодиёти ва бошқаруви ихтисослиги бўйича тамомлаган.

Ўзи тахсил олган таълим муассасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, Солиқ академияси доценти, Молия вазирлиги Фазна-чилик ўқув марказининг Навоий вилояти минтақавий курси раҳбари ва доценти сифатида фаолият олиб борган. 2013 йилдан

Навоий давлат кончилик институтини Кимё-металлургия факультетининг доценти.

У 2008 йилда «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда солиқ механизмнинг таъсири» мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган, 2012 йилда доцент унвонини олган.

Насиба Ашурова иқтисодиёт соҳасидаги олима, педагог ва раҳбар сифатида ўз устида тинимсиз изланади. Унинг Республика илмий журналларида 30 дан ортиқ илмий мақоласи, илмий анжуманлар тўпламларида 60 та илмий маърузаси тезислари, шунингдек, 1 та дарслиги, 2 та монографияси ва 10 та ўқув-услубий қўлланмаси чоп этилган.

Депутатликка номзод ўз сайловолди дастурида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, шу жумладан, оилавий ва яқка тартибдаги тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда солиқ-

лар воситасида рағбатлантириш, аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

—Эркин иқтисодий индустриал зоналарда махсус солиқ режими ва тартибини такомиллаштириш, аҳоли ўз ишини йўлга қўйиб, оёққа туриб олгунга қадар бўлган жараёнда солиқ сиёсатидаги имтиёزلарни қайта кўриб чиқиш зарур, — дейди у. — Бунинг натижасида ишлаб чиқарувчи фаолияти кенгайди, қўллаб-йигиш ўринлари яратилиши учун замин яратилди.

Насиба Ашурова илгари суратлаган тақдирлар иқтисодий жараёнларда аҳолининг фаолиятини янада ошириш билан бир қаторда бандлик муаммосини ҳал этишга ҳам хизмат қилади. Демак, унинг сайловолди дастури долзарб масалаларни ўз ичига олган. Агар сайловчилар ишонч билдириб, уни депутат этиб сайласа, бу тақдирлар қонуларда ўз ифодасини топади, албатта.

Аҳад АХМЕДОВ

(35-Қизилтепа сайлов округи)



1964 йилда Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат техника университетининг Навоий филиалини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-қурувчи.

Меҳнат фаолиятини 1980 йилда Навоий Қурилиш бошқармасига қарашли ишлаб чиқариш корхонасида чилангарликдан бошлаган. 1984-2009 йилларда «Навоийгаз» корхонасида чилангар, газ хўжалигидан фойдаланиш бўлими устаси, «Навоийвилоятгаз» бошқармасида газ хўжалигидан фойдаланиш бўлими бошлиғи,

юқори босимли газ қувурларидан фойдаланиш бўлими катта устаси, «Навоийгазтаъминот» шўъба корхонаси бош муҳандиси ўринбосари ва техника назорати бўлими бошлиғи, «Навоийтехгаз» унитар корхонаси директори, «Навоийгаз» худудий газ таъминоти корхонаси директори ўринбосари, директори вазифасини бажарувчи, «Ғарбгазтаъминот» унитар корхонаси Навоий вилояти шаҳар ва тумангаз филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи вазифаларида меҳнат қилган.

2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутаты этиб сайланган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг аъзоси.

У депутат сифатида мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий-иқтисодий, ижтимоий, экология, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаб, қонун лойиҳалари устида ишлаш бўйича катта тажриба тўплади. Қонунлар лойиҳалари муҳофазаси жараёнида электротар монфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан

қатор тақлифлар бериб келмоқда.

— Жойларда коммунал соҳадаги айрим муаммолар одамларни ўйлантириб келмоқда, — дейди у. — Хусусан, совуқ сув ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш, коммунал хизмат кўрсатиш сифати бўйича муайян камчиликлар мавжуд. Уларни бартараф этиш, коммунал соҳани ривожлантиришга қаратилган масалалар сайловолди дастурида алоҳида белгиланган. Масалан, уй-жой-коммунал хизматлар ва қўпқаватли уйларда хонадонлардан фойдаланиш бўйича хизматлар нархининг ижтимоий мақбуллик даражасини ошириш керак, деб ўйлайман. Бу коммунал хизматлар кўрсатишнинг арзон, муқобил турларини ривожлантириш бўйича тегишли метрий-хуқуқий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Аҳад Аҳмедов илгари суратлаган тақдирлар аҳоли турмуш шaroитини янада яхшилашга, партиямиз электротарти манфаати ҳимоясига хизмат қилиши кўриниб турибди. Унга сайловчилар ишонч билдиришса, юқорида қайд этилган масалалар бўйича қонуний асослар янада мустаҳкамланади. Бунга номзодимизнинг билими ва тажрибаси етарли.

Аксавли ТУМИШОВА

(36-Зарафшон сайлов округи)



1965 йилда Бухоро вилоятининг Бухоро туманида туғилган. Ҳозирги Бухоро давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги физика-математика фани ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1988 йилда Когон шаҳридаги мактабда бошлаган. 1989-2006 йилларда Томди туманидаги 7-мактабда, Қоровулбозор туманидаги 1-мактабда, Зарафшон шаҳридаги 5-мактабда физика фани ўқитувчи-

си, ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, директор вазифаларида меҳнат қилган. 2007 йилдан Зарафшон шаҳридаги 9-мактаб директори.

Депутатликка номзод ўз сайловолди дастурида сифатли таълим ва касб-хунар ўрганишнинг барча учун тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул тизимини янада такомиллаштириш гоёларини илгари сурган.

— Мамлакатимизда ёшларни умумтаълим ва касб тайёргарлигини таъминлашнинг замонавий модели ҳаётга татбиқ этилмоқда, — дейди у. — Бу ҳар томонлама баркамол ва мустақил фикрловчи, меҳнат бозорига талаб катта бўлган касбларни эгаллаган, қатъий фуқаролик позициясига эга ёшлар тарбияланишига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Бироқ бу борада ҳали олдимизда талай вазифалар турибди. Хусусан, худудларнинг демографик хусусиятлари, аҳоли сонининг ортиши ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда таъ-

лим муассасалари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш лозим, назаримда. Бу жамиятнинг барча қатламларига эркин ва тенг таълим олиш имкониятларини кафолатлашга хизмат қилади. Шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар буюртмаси бўйича мутахассислар тайёрлаш учун ҳам қўл келади. Негаки, худудларда ёки ташкилотда қайси мутахассисга талаб бўлаётгани таҳлил этилиб, ўқув юрти йўналишлари шунга қараб белгиланса, бу иш ўринлари кўпайишига хизмат қилади, битирувчилар ўз касби бўйича ишга жойлашишни кафолатлайди.

Аксавли Тумишованинг сайловолди дастурида қайд этилган тақдирлар малакали, етуқ, замонавий билимларни эгаллаган, профессионал кадрларни тайёрлашга янада кенг йўл очиши билан диққатга сазовордир. Зеро, таълим, илм-фанга эътибор буюк келажак барпо этишнинг мустаҳкам кафолатидир.

Шавкат РАХИМОВ

(37-Хатирчи сайлов округи)



1970 йилда Хатирчи туманида туғилган. Тошкент молия институтини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини 1992 йилда Хатирчи тумани Тайёрлов идорасида ёрдамчи ҳисобчиликдан бошлаган. 1993-2010 йилларда Учқудуқ тумани давлат солиқ инспекциясининг давлат солиқ инспектори, катта инспектор, бош инспектор, бўлим бошлиғи, инспекция бошлиғи ўринбосари, Учқудуқ шаҳар ва туман давлат солиқ

инспекцияси бошлиғи, Навоий шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, Қизилтепа туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ҳамда Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифаларида ишлаган. 2010 йилдан Навоий вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.

У пул-кредит муносабатлари борасида норматив-ҳуқуқий база ва тегишли ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича ўз тақлифларига эга. Жумладан, терминал тармоғи ва онлайн тўловлар тизимини янада кенгайтириш орқали аҳолининг нақд пулсиз тўлов воситаларига ишончини ошириш ва бундан уларнинг манфаатдорлигини кучайтириш бўйича қўшимча чоралар қўриш, аҳолига тўланадиган нақд пул ва пластик карточкалар асосидаги нақдсиз тўловлар ўртасидаги энг мақбул нисбатни таъминлашга эришиш масаласи унинг сайловолди дастурида муҳим масала сифатида белгиланган.

— Тегишли идоралар ва мансабдор шахсларнинг савдо тармоғи, шу жумладан, деҳқон бозорларида терминалларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, пластик карточкалар ҳисоб рақамидagi маблағлар доирасида банккомат ёки банк кассалари орқали нақд пул маблағларининг бемалол берилиши учун масъулиятини ошириш бўйича аниқ процессуал механизмларни мустаҳкамлаш зарур, — дейди у. — Бу аҳолига ҳар томонлама малакали ва сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шавкат Раҳимов иқтисодиёт, айниқса, солиқ ва бюджет соҳасида катта билим ҳамда тажрибага эга. У ижтимоий соҳага йўналтирилган давлат бюджет тармоқларини янада оширишни ёқлаган ҳолда, қонун ижодкорлиги жараёнида бюджет маблағлари мақсадли сарфланишини назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича ҳам ўз тақлифларини билдирмоқчи.

Жамшид ЭРМУХАММЕДОВ

(38-Нурота сайлов округи)



1979 йилда Нурота туманида туғилган. Навоий давлат кончилик институтини технологик машина ва жиҳозлар йўналиши, Тошкент молия институтини Банк иши мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 2003 йилда ҳозирги «Агробанк»нинг Навоий вилояти Кескантерак филиалида 2-тонфали мутахассисликдан бошлаган. Давлат акциядорлик тижорат «Асакабанк»нинг Навоий вилоят филиалида етакчи му-

тахассис, бош мутахассис, бош ҳисобчи ўринбосари, валюта ва носавдо амалиётлар бўлими бошлиғи ва филиал бошқарувчиси ўринбосари вазифасида меҳнат қилган. 2013 йилдан давлат акциядорлик тижорат «Асакабанк»нинг Навоий вилоят филиали бошқарувчиси.

У ўз сайловолди дастурида бандлик масаласи, асосан, қишлоқларда янги иш ўринлари ташкил этиш вазифаларига катта эътибор қаратган.

— Қишлоқда иш ўринлари ташкил этиш, аҳолини доимий иш ҳамда юқори даромад манбаи билан таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири бу — хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришдир, — дейди у. — Мазкур соҳаларнинг кенгайиши ўз навбатида қишлоқларда солиқ, сугарта, алоқа ва бошқа шунга ўхшаш замонавий хизматлар кўлами кенгайишига замин яратяди. Муҳими, ҳам барқарор иш ўринлари яратилади, ҳам қишлоқ аҳолиси мазкур хизматлардан

фойдаланиш учун туман ёки вилоят марказига бориб юрмайди, одамларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлади. Бундан, энг аввало, партиямиз электротарти вакиллари манфаат кўради.

Шунингдек, айрим қишлоқларда сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устaxonалари, автомобильларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаларида ишлаётган кишилар меҳнатини муҳофаза қилишда қатор камчиликлар бор. Биринчи навбатда уларнинг меҳнат фаолиятини расмийлаштириш керак. Бунинг ўзи партиямиз электротарти ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Жамшид Эрмухаммедовнинг тақдирлари жуда долзарб. Чунки, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш бир вақтинг ўзида бир нечта ижтимоий-иқтисодий муаммони ҳал этишга самарали таъмир кўрсатади. У депутат этиб сайланса, ўз тақлифларини қонунчиликда ифода этиши учун курашини ниятда.

Самарқанд вилояти

Дилшода СУЛТАНОВА

(50-Регистон сайлов округи)



1970 йилда Пайарик туманида туғилган. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тамомлаган. Мутахассислиги — архитектор.

Меҳнат фаолиятини 1994 йилда ўзи тахсил олган институтда ассистентликдан бошлаган ва стажёр-тадқиқотчи, аспирант бўлган. 2004 йилда номзодлик диссертациясини

ҳимоя қилган ва институтда катта ўқитувчи, 2006 йилдан доцент вазифасини бажарувчи, 2007 йилдан эса доцент лавозимида ишлаган. 2006-2009 йилларда докторантурада тахсил олган.

2008 йилдан Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Тасвирчи санъат кафедраси доценти ҳамда жамоатчилик асосида вилоят «Олима аёллар» уюшмаси раиси ўринбосари бўлиб ишлайди.

Архитектура соҳасида қатор илмий мақолалар 70 дан ортиқ журнал, халқаро ҳамда республика конференцияларининг тўпламларида чоп этилган.

— Жисмоний имконияти чеklangан фуқаролар партиямиз электротартининг муҳим қисми ҳисобланади, — дейди у. — Мен айнан уларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ўз сайловолди дастуриمنى ишлаб чиқдим. Аввало ногиронларнинг ижтимоий мослашувини ташкил этиш иш-

ларини янада такомиллаштиришимиз, уларнинг ўз имконияти даражасида иш билан таъминланишига эришишимиз керак. Шунинг билан бирга уларнинг ижтимоий инфратузимлар, шу жумладан, турар жой ва жамоат бинолари, транспорт коммуникацияларидан бемалол фойдаланишлари учун шароитларни яхшилаш, аҳоли пунктлари, бино ва иншоотларни ҳолдорлар учун мослаштириш ҳолда лойиҳалаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Депутат бўлиб сайлансам, мен парламент аянчи шу масалалар бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш учун курашаман.

Дилшода Султонова ташаббускор, жонқуяр устоз. Ўзига нисбатан талабчан ва изланувчан. У жамоат ишларида фаол иштирок этади. Агар сайловчилар ишонч билдирса, у депутат сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатишига ишонамиз.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Самарқанд вилояти

Абдуғани ЭЛМУРОДОВ

(51-Сўғдиёна сайлов округи)



1969 йилда Оқдарё туманида туғилган. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Мутахассислиги — агроном. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент.

Меҳнат фаолиятини ўзи таҳсил олган институтда кичик илмий ходимликдан бошлаган. 1992-2012 йилларда аспирантурада ўқиган, «Ўсимликшunosлик» кафедрасида ассистент, доцент, институт ўқув бўлими бошлиғи, агрономия факультети деканининг

ўқув ишлари бўйича ўринбосари, «Генетика, селекция ва уруғчилик» кафедраси доценти, институт ўқув-методика бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаган. 2012 йилдан институтнинг ўқув ишлари бўйича биринчи проректори.

Кейинги йилларда олий ўқув даргоҳида таълим тизимини модернизация қилиш, инновацион таълим технологияларини жорий этиш, янги ахборот ва педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Иш берувчиларнинг кадрларга бўлган истиқболдаги (2016-2020 йилларга) эҳтиёжлари бўйича «Буюртмалар портфели» шакллантирилди. Битирувчилар тўғрисидаги маълумотлар потенциал иш берувчиларга тақдим этилди.

Бу каби ишларда изланувчан олим Абдуғани Элмуродовнинг алоҳида ҳиссаси бор. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сифатида долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган ғояларни илгари сураётти.

— Аҳолини экологик жиҳатдан тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бутун дунёда катта муаммага айланиб бораётти, — дейди у. — Шу жиҳатдан мен ташқаридан кириб келаётган қишлоқ хўжалик экинлари уруғларининг экологик жиҳатдан назоратини янада кучайтириш таклифини илгари сурмоқчиман. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажминини янада ошириш борасида қилинаётган ишларни қўллаб-қувватлаб, замонавий агротехнологияларни қўллаш, ҳосилдорликни оширишнинг комплекс чора-тадбирлар изчил олиб борилишини таъминлашга қаратилган қонунчиликни янада ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, ўртамахусус ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини тўлиқ таъминлаш учун яқка тартибдаги хусусий тадбиркорликни имтиёзли кредит билан рағбатлантиришни янада кучайтириш лозим бўлади.

Саҳобиддин АРЗИКУЛОВ

(52-Булунғур сайлов округи)



1969 йилда Иштихон туманида туғилган. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини бухгалтерия ҳисоби ихтисослиги бўйича ҳамда Банк-молия академиясини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси иқтисодиёт институтида бошлаган. Самарқанд вилоят агросаноат уюшмаси молия бўлими бош мутахассиси, вилоят Молия бошқармаси биринчи даражали тафтишчи-назорат-

чиси, бўлим бошлиғи, вилоят Иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси Самарқанд филиали директори вазифаларида ишлаган. 2014 йилдан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Самарқанд филиали директори.

Вилоятда қурилаётган бир қанча ижтимоий объектларни молиялаштиришда унинг таклифлари инобатга олинган. Негаки, у доимо сифат ва тежамкорлик тарафдори. Малакали мутахассис вилоятда барпо этилган қўллаб-қувватлаш муҳим лойиҳадаги уйланинг қурилишида бош-қош бўлди. Коллеж битирувчиларини қурилиш йўналиши бўйича иш билан таъминлаш, вилоятда болалар спортини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— ЎзХДП Сайловолди дастурдаги вазифалардан келиб чиқиб, аҳоли зич жойлашган

ҳудудларда sanoatни ривожлантиришга қўмаклашувчи жамғармалар ташкил этиш эвазига янги иш ўринлари очишни янада қўллаб-қувватлаш тарафдоридан бири бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда унинг таклифлари инобатга олинган. Негаки, у доимо сифат ва тежамкорлик тарафдори. Малакали мутахассис вилоятда барпо этилган қўллаб-қувватлаш муҳим лойиҳадаги уйланинг қурилишида бош-қош бўлди. Коллеж битирувчиларини қурилиш йўналиши бўйича иш билан таъминлаш, вилоятда болалар спортини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Шунингдек, номзод жойларда болалар спортини оммавий тарзда ривожлантириш борасида ҳам қатор таклифларни илгари сурмоқда.

Саҳобиддин Арзикулов ташаббускор раҳбар, малакали мутахассис сифатида вилоят жамоатчилиги орасида ҳурмат-эътибор қозонган.

Дилмурод САЪДУЛЛАЕВ

(53-Иштихон сайлов округи)



1983 йилда Оқдарё туманида туғилган. Тошкент давлат юридик институти (университети)да бакалаврият, магистратура ни тамомлаган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги давлат ва жамият қурилиши (Давлат бошқаруви) академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшunos.

Меҳнат фаолиятини 2005 йилда Адлия вазирлигида бошлаган ва Қонун ҳужжатларини туркум-

лаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси бош маслаҳатчиси, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари вазифаларида ишлаган. 2010-2014 йилларда Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари бўлган. 2014 йилдан Адлия вазирлигининг Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси бошлиғи.

Депутатликка номзод ўз сайловолди дастурида ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқишда қонун нормаларининг бевосита таъсир этишига, яъни ҳавола нормаларисиз қабул қилинишига эришиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш масалаларини асосий вазифалар қаторида белгиланган.

— Мамлакатимизда ҳар бир соҳа жадал ривожланмоқда, —

дейди у. — Айниқса, қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган аҳолининг аграр соҳа ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муносиб ҳиссаси бор. Шундай экан, қишлоқ хўжалигида банд бўлган кишилар манфаатини ҳимоялаш бўйича қонунчиликни кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишилар, айниқса, вақтинча ишсиз хотин-қизларга қўмак беришнинг аниқ механизмлари сифатида касаначилик, ҳунармандчиликни янада ривожлантириш зарур.

Дилмурод Саъдуллаев ўз соҳасини пухта билиши, меҳнат-севарлиги билан адлия идоралари жамоатчилиги ўртасида катта ҳурмат қозонган. Ҳар бир масалага масъулия билан ёндашади. Шу бонс ҳам уни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига муносиб номзод, деб ҳисоблаймиз.

Замира КУВАНОВА

(54-Каттақўрғон сайлов округи)



1963 йилда Пахтачи туманида туғилган. Тошкент давлат маданият (ҳозирги Санъат ва маданият) институтини тамомлаган. Мутахассислиги — кутубхонашunos-библиограф.

Меҳнат фаолиятини 1980 йилда Пахтачи туманидаги Боголон қишлоқ кутубхонаси мудириликдан бошлаган. 1987-2009 йилларда туман марказий кутубхонаси хизмат кўрсатиш бўлими мудири, туман хотин-қизлар қўмита-

си бош мутахассиси бўлиб ишлаган. 2009 йилдан туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.

У кутубхонада ишлаган даврида турли маънавий-маърифий тадбирларни уюштиришда ташкилотчилик қилди. Айни пайтда туманда истиқомат қилаётган хотин-қизлар турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, уларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмларини яратиш соҳаларини илгари сураётти. Агар Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлансам, айнан шу масалаларда қабул қилинадиган қонунларнинг янада мукамал бўлишида иштирок этаман.

— Юртимизнинг ҳар бир маҳалласида тадбиркор, ҳунармандлар бор, — дейди у. — Соҳани ривожлантириш эвазига қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизми яратиш зарур. Таҳлиллар кўрсатаётгани, тикувчилик, тўқимачиликни ривожлантиришга янада кенг йўл очиш кўпроқ хотин-қизларимизни иш билан таъминлашга хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб, сайлов-

олди дастурида аҳолининг давлат ва жамиятнинг қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд қатламни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари билан бирга, қишлоқ жойларида хотин-қизлар бандлигини таъминлашга кўпроқ эътибор қаратишга ҳаракат қилдим. Яқка тартибда уй меҳнаги билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг меҳнатини расмийлаштириш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун уларни қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмларини яратиш соҳаларини илгари сураётти. Агар Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлансам, айнан шу масалаларда қабул қилинадиган қонунларнинг янада мукамал бўлишида иштирок этаман.

Замира Куванова янгиликка интилиб яшайди. Аёллар манфаатини ҳимоя этишни ўзининг асосий вазифаси, деб ҳисоблайди.

Абдалим РАЖАББОВ

(55-Қорадарё сайлов округи)



1966 йилда Иштихон туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент Ахборот технологиялари университетини тамомлаган. Мутахассислиги — радио алоқа, радио эшитириш ва телевидение мўҳандиси.

Меҳнат фаолиятини «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Самарқанд филиали Иштихон телекоммуникация боғламаси мўҳан-

дслигидан бошлаган. 2003-2005 йилларда шу корхона бош мўҳандиси, бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2014 йилдан «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Самарқанд филиали директорининг биринчи ўринбосари.

— Мен қишлоқда туғилди, қишлоқда ўсганман. Қувончлисиз, кўз ўнгимизда қишлоқларимиз тобора обод бўлиб гўзаллашиб бормоқда. Бугунги кунда қишлоқ жойларида sanoatни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш аҳоли турмуш даражасини юксалтиришнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Бу ишлар, аввало, унинг мезърий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш билан самарали амалга оширилади. Агар депутат бўлсам, айниқ-

са, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган қонунлар ишлаб чиқишига ҳисса қўшаман.

Ташаббускор ва талабчан, жамоат ишларида фаол раҳбар Абдалим Ражаббов халқ депутатлари Иштихон туман Кенгаши депутати сифатида ҳам ЎзХДП электорати манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, унинг ташаббуси билан туман кенгаши сессиялари муҳокамасига аҳоли турмуш тарзини янада яхшилашга қаратилган масалалар киритилган. Агар сайловчилар ишончини қозонса, унинг шу вақтга қадар тўплаган тажрибада депутат сифатида самарали фаолият кўрсатишига асос бўлади.

Шоира БОБОҚУЛОВА

(56-Нарпай сайлов округи)



1960 йилда Иштихон туманида туғилган. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — филолог ўқитувчи.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Нарпай туманидаги 67-хунар техника билим юртида ўқитувчиликдан бошлаган. Тумандаги 61-мактабда ўқитувчи, туман ёшлар ташкилоти масъул ходими, жамоа хўжалиги раиси ўрин-

босари, туман халқ таълими бўлими педагогика жамияти раиси ўринбосари, туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари, мониторинг бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаган. 2004 йилдан туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.

Самарали меҳнатлари туфайли у 2013 йилда «Меҳнат шўҳрати» ордени билан тақдирланди.

Туман марказидан узоқда жойлашган олис қишлоқларда яшаётган хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини оширишга, меҳнат шароитини яхшилашга, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга эришиш Шоира Бобоқуллова иш фаолиятида асосий йўналишларидан ҳисобланади. Айниқса, унинг ташаббуси билан қаровсиз жойларда спорт иншоотлари ташкил этилиб, хотин-қизларни спортга жалб этиш ишлари изчил олиб борилаётгани эътиборлидир.

— Мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор, яратиётган шарт-шароитлардан мамнунмиз. — дейди у. — Ўзбекистон ХДПнинг Сайловолди дастурида ҳам аёллар масаласига жиддий эътибор қаратилган.

Шундан келиб чиқиб мен хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, саломаатлигини муҳофаза қилиш, давлат ва жамият бошқарувини янада демократлаштиришда улар иштирокини кучайтириш бўйича қонунчилик базасини янада ривожлантириш ғояларини илгари сураётти. Айниқса, қишлоқ жойларида хотин-қизлар турмуш шароитларини янада энгиллаштириш, меҳнатини муҳофаза қилиш масаласига эътибор қаратмоқчиман. Шоира Бобоқуллова катта ҳаётий тажрибага эга. Айниқса, қишлоқ муаммоларини яхши билади. Депутат этиб сайланса, самарали фаолият кўрсатишига ишонамиз.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Самарқанд вилояти

Суннатилла ХУДЖАМҚУЛОВ

(57-Оқдарё сайлов округи)



1958 йилда Оқдарё туманида туғилган. Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтини тугатган. Мутахассислиги — инженер-курувчи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Оқдарё политехника техникумида директор ўринбосари вазифасидан бошлаган. 1982-1984 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. Сўнг тумандаги 153-МПК омбор мудирини, ишлаб чиқариш ишлари бошлигини,

бош таъминотчи, мазкур корхона қошидаги бетон заводи раҳбари вазифаларида ишлаган. 2002 йилдан «Меъмор Алишер Кумушкент» хусусий корхонаси раҳбари.

— Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш бугунги кундаги энг муҳим масалалардан бири, — дейди у. — Шундай экан, уларнинг мустақил равишда иш ўринлари ташкил этишига янада кенг шароит яратиш лозим. Бунинг учун имтиёзли микрокредитлар ажратилиши тизимини такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайман. Сайловолди дастурида бу каби масалалар алоҳида ўрин олган.

Мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самардорлигини ошириш борасида адолатли қонулар қабул қилинишида муносиб иштирок этишни мақсад қилганман.

Шунинг билан бирга, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, коммунал

хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишга замонавий технологияларни жорий этишни янада жалдлаштириш бугунги куннинг муҳим талабларидан бирidir. Коммунал хизматлар нархлари ва тарифлари шаклланиши жараёнларининг очиқлигини таъминлаш, бу борда давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур. Бундан ташқари, қурилиш ишларини лойиҳалаштириш вақтида унинг атрофи инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш масаласи ҳам долзарбдир.

Суннатилла Худжамқулов малакали қурувчи, изланувчан, талабчан, дунёқарашли кенг раҳбар. У мамлакатимизда амалга оширилётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳадаги ислохотларни доимо қўллаб-қувватлайди ва уларни тарғиб қилишда фаол иштирок этади. Суннатилла Худжамқулов сайловчилар ишончини қозониб, депутат этиб сайланса, партияимиз Сайловолди дастури ҳамда ўзи илгари сураётган гояларни амалга ошириш учун курашини мақсад қилган.

Абдикодир ШАХРИЕВ

(58-Пастдарғом сайлов округи)



1974 йилда Пастдарғом туманида туғилган. Самарқанд давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Мутахассислиги — врач-педиатр.

Меҳнат фаолиятини 1997 йилда Самарқанд шаҳридаги Болалар хирургияси илмий марказида бошлаган. Кейинчалик мазкур марказ навбатчи шифокори, торакал хирургияси хирургини, Самарқанд давлат тиббиёт

институтини 2-болалар хирургияси кафедраси клиник ординаторини, госпитал болалар хирургияси кафедраси ассистентини, болалар хирургияси кафедраси доцентини вазифаларида хизмат қилган. 2011 йилдан Самарқанд давлат тиббиёт институтининг врачлар малакасини ошириш факультетини декани.

— Соғлиқни сақлаш соҳасини изчил ислоҳ қилиш натижасида мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам ва хизмат кўрсатишни яхлит замонавий инфратузилмаси шакллантирилди, — дейди у. — Соҳа ривожига йўналтирилаётган бюджет харажатлари йил сайин ортиб бормоқда. Мен сайловолди дастурида мазкур йўналишни қўллаб-қувватлаган ҳолда аҳолига тиббий ёрдами ва мақбул тиббий хизмат кўрсатишни янада кенгайтириш ва унинг сифатини

ошириш масалаларини белгиладим.

Жисмоний имконияти чекланган кишилар, олис қишлоқлар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни кучайтириш, тиббий маданиятни янада яхшилаш, профилактика ишларининг самардорлигини оширишга оид қўллаб-қувватларим бор. Депутат этиб сайлансам, парламентда тиббиёт қонунчилигини айнан шу нуқтага назардан янада ривожлантиришга, тиббиёт ходимлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонулар ишлаб чиқишда фаол иштирок этаман.

Абдикодир Шохриев ўз вазифасига сикқидилдан ёндашадди. Унинг илгари сураётган гоялари тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишда ниҳоятда муҳимдир.

Ёқуб УМАРОВ

(59-Пайариқ сайлов округи)



1972 йилда Пайариқ туманида туғилган. Санкт-Петербург давлат университетини, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши (Давлат бошқаруви) академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — сиёсий-иқтисод, халқаро муносабатлар магистри.

Меҳнат фаолиятини 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкда иккинчи тоифали иқтисодчи вазифасидан бошлаган, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари, департамент директори ўринбосари, департамент директори

вазифаларида ишлаган. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Тошкент вилоят бўлими бошқарувчиси ўринбосари, бош бухгалтерини, Сирдарё вилоят бўлими бошқарувчиси, Лойиҳаларни молиялаш маркази Халқаро кредитлар бошқармаси бошлиғи, «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» ОАЖда Қимматли қўғозлар ва мулкни бошқариш бўлими бошлиғи, 2008-2011 йилларда «Асака» банк Ички аудит хизмати бошлиғи ўринбосари ва Самарқанд вилоят филиали бошқарувчиси лавозимларида фаолият кўрсатган. 2014 йилдан «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкнинг Иқтисодий таҳлил ва стратегик ривожланиш департаменти бошлиғи.

— Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида банк-молия муассасаларининг муносиб ўрни бор, — дейди у. — Мен молия бозорини шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича бир неча бор халқаро конференцияларда қатнашдим. Жумладан, Швейцария, Япония, Туркия, АҚШ давлатларида ана шундай анжуманларда иштироким бу борда қўллаб-қувватлаш банк тизимлари фаолияти билан яқинроқ танишишга

имкон яратди. Шундан келиб чиқиб, тижорат банкларининг инвестицияларини янги иш ўринлари яратиш мақсадларига янада самарали йўналтиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, бошланғич сармояни шакллантириш учун кредит ажратиш тизимини янада содда-лаштириш, микрокредитлар ҳамда микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажминини янада ошириш қўллаб-қувватлаш зарур, деб ҳисоблайман.

Ёқуб Умаров Марказий банкдаги меҳнат фаолияти давомида қимматли қўғозлар бозори ва банклар фаолиятига оид қонун ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни амалда қўллаш жараёнларида бевосита иштирок этади. Жумладан, «Қимматли қўғозлар тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонулар лойиҳаларининг яратилиши ҳамда республика қимматли қўғозлар бозорини ривожлантиришга доир давлат дастурларининг тайёрланишида унинг муносиб ҳиссаси бор. Бу мисоллар у депутат сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатишига ишонч билдириш учун асос бўлади.

Муҳаббат АХРОРОВА

(60-Самарқанд сайлов округи)



1960 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — филолог-ўқитувчи.

Меҳнат фаолиятини 1979 йилда Самарқанд шаҳридаги 5-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 2002 йилдан Самарқанд туманидаги 21 ва 42-мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 2006 йилдан Самарқанд туманидаги «Оқмачит»

маҳалла фуқаролар йиғини раисининг Диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Меҳнат фаолияти давомида хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларнинг гиламчилик, қандолатчилик, сартарошлик, новвойлик, тикувчилик, зардўзлик, каштачилик, сандиқсозлик каби хунарлар билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратишга ҳисса қўшиб келмоқда. Натижада сўнгги уч йилда ҳудудда 100 нафарга яқин аёл иш билан таъминланди.

— Юртимизда қўлида бирор-бир хунари бўлган хотин-қизлар жуда кўп, — дейди у. — Биз улар ўз ишини кейинчалик кичик бизнес, оилавий тадбиркорликка айлантиришига кенг шароит яратиш беришимиз, шунга хизмат қиладиган

механизмларни такомиллаштиришимиз зарур, деб ҳисоблайман. Бунинг натижасида бир хунардан нафақат ўзи, балки оила аъзоларининг ҳам бандлигини таъминлайди, бундай оилаларни нафақат қўшимча ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳожат қолмайди, балки улар давлат бюджетининг даромадларини кўпайтиришнинг ҳам муҳим манбаига айланади.

Муҳаббат Ахророва тумандаги энг фидойи, тажрибали педагог ва маънавий тарғиботчиларидан ҳисобланади. У иш фаолияти давомида маҳалла аҳолисининг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат ва Ватанга салоқат руҳида тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасидаги ишларда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Фарход ТУРСУНОВ

(61-Тайлоқ сайлов округи)



1968 йилда Пайариқ туманида туғилган. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши (Давлат бошқаруви) академиясини битирган. Мутахассислиги — муҳандис-иқтисодчи. 2007-2008 йилларда Австрия мамлакатини диверсификация қилиш жараёнларида Зальцбург шаҳридаги Туризм ва меҳмонхона менежменти институтида стажировка

ўтаган ва «Туризм менежменти» бўйича диплом олган.

Меҳнат фаолиятини ҳарбий хизматдан сўнг 1992 йилда ўзи таҳсил олган институтида стажёр-ассистентликдан бошлаган. Самарқанд вилоят ҳокимлигининг иқтисодиёт ва статистика бош бошқармасида бўлим бошлиғи, вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи, Ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳи бош мутахассиси, «Узтрансгаз» акциядорлик компанияси бош мутахассиси бўлиб ишлаган. 2004 йилдан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида катта ўқитувчи, сервис ва туризм факультети декани вазифаларида фаолият кўрсатди. 2010 йилдан институтининг маънавий ва маърифат ишлари бўйича проректори.

— Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, модернизациялаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларида изчил амалга оширилмоқда, — дейди у. — Бу эса ўз навбатида, мамлакатда ижтимоий

инфратузилманинг ривожланишига туртки бўляпти. Барпо этилаётган ижтимоий инфратузилма объектлари халқимиз турмуш даражасини янада кўтаришга хизмат қилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, сайловолди дастурида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларида жадал ривожлантириш, бу соҳага инвестицияларни жалб этиш имкониятларини янада кўпайтириш каби масалаларни белгилаганман. Бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш имкониятларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, жойларда қўллаб-қувватлаш иш ўринлари ташкил этилишига хизмат қилади.

Фарход Турсунов иқтисодиёт соҳасида бугун қайси масала долзарблигини яхши билади. Агар сайловчилар ишонч билдириб, депутат этиб сайланса, ЎзХДП Сайловолди дастури ижроси юзасидан қўллаб-қувватлаш билан чиқадди ва сайловчилар ишончини оқлайди.

Шавкат ХАСАНОВ

(62-Ургут сайлов округи)



1974 йилда Булунгур туманида туғилган. Самарқанд қишлоқ хўжалиқ институти тамомлаган. Мутахассислиги — бухгалтерия ҳисоби ва молия бўйича иқтисодчи. Иқтисод фаилари номзоди, доцент.

Меҳнат фаолиятини 1996 йилда Булунгур туманидаги жамоа хўжалиқда иқтисодчиликдан бошлаган. Самарқанд қишлоқ хўжалиқ институти қишлоқ хўжалиқ иқтисодиёти ва бошқаруви кафедраси ассистентини сифатида фаолият кўрсатган.

2008 йилдан доцент ҳамда ўриндошлик асосида институт халқаро алоқалар бўлими бошлиғи.

Хозирги кунда «Чекланган ресурслардан фойдаланиш самардорлигининг методологик масалалари (Зарафшон водийси қишлоқ хўжалиқ корхоналари мисолида)» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида ишламоқда. Шу кунгача 30 дан ортиқ илмий-услубий иши чоп этилган. АҚШ, Голландия, Германия, Жанубий Корея, Польша, Миср ва Россия мамлакатларининг нуфузли университетларида малака оширган. Бир қатор грантлар координатори ва иштирокчисидир.

— Юртимизда агротуризмни ривожлантиришнинг имкониятлари жуда катта, — дейди у. — Масалан, вилоятимизнинг тоғли ва тоғли ҳудуди бўлган Ургут тумани қишлоқларида тегирмон, жувоз каби ноёб қурилмалар, тарихий ёдгорликлар кўп. Қолаверса, бу ҳудудда қадимдан хунардончилик ҳам ривожланган. Бошқа жойларда ҳам шундай имкониятлар етарли. Хорижий сайёҳлар, ишбилармонларнинг

бу каби ёдгорликлар билан танишишга иштиёқи баланд. Қишлоқларимизда эса ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларининг аксарият қисми хомашё ҳолида сотилмоқда. Агар агротуризмни ривожлантирсак, қишлоқларимизга инвестиция оқими кучаяди. Бу эса қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини қайта ишлаш янада кўпайтиришга олиб келади. Бунинг натижасида қанчадан-қанча янги, юқори ҳақ тўланадиган ва барқарор иш ўринлари очилишини ўзингиз тасаввур қилверинг. Сайловолди дастурида мана шу масалаларга эътибор қаратдим.

Шавкат Хасанов қишлоқ хўжалиқ иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштиришга доир меъёрий ҳужжатларни тайёрлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Депутат этиб сайланса, унинг бу бордаги имкониятлари кенгайтириш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қиладиган масалалар қонуларда акс этиши учун курашишга қарор қилган.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Самарқанд вилояти

Акмал САФАЕВ

(63-Қоратена сайлов округи)



1963 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-қурувчи.

Меҳнат фаолиятини 1987 йилда 1-«Ўзагроқурилиш» трестда бошлаган. Кейинчалик иш юритувчи, бош муҳандис, 1-«Самвилгагроқурилиш» трестининг «Искандар» давлат ижара кичик корхонаси директори, Тайлоқ қурилиш бошқармаси бошлиғи, Тайлоқ туманидаги

4-механизациялашган кўча колоннаси бошқарма бошлиғи, «4-механизациялашган кўча колонна» масъулияти чекланган жамияти бошлиғи, Самарқанд вилоят «Бунёдкор» қурилиш ишлаб чиқариш компанияси раиси вазифаларида ишлаган. 2008 йилдан вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси директори.

Вилоятда кўплаб касб-хўнарсан колледжлари, мактаб ва лицейларни реконструкция қилишда, спорт заллари, сузиш сув ҳавзалари барпо этишда, инженерлик коммуникация иншоотлари, автомобиль йўллари қурилишида бевосита фаол иштирок этди.

Депутатликка номзод сифатида ўз сайловолди дастурида шу вақтгача туллаган тажрибаларига асосланиб, долзарб соҳаларни илгари сурмоқда.

— Мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиши борасида амалга ошириладиган муҳим ижтимоий йўналиш аҳоли турмушининг сифатини оширишга қаратилган, — дейди у. — Кейинги йилларда қишлоқ аҳоли пунктларида замонавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуришга

қаратилган кенг кўламли дастурлар аҳоли турмуши ва яшаш тарзига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мен депутатликка сайлансам, эътиборимни айнан шундай уй-жойлар қурилишининг янада такомиллаштирилиши, уларнинг муҳандислик ва ижтимоий инфратузилмасини жадал тараққий эттиришга, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатлами учун уй-жой фондини ташкил этиш каби масалаларга қаратаман.

Қурилиш, бунёдкорлик ишлари мамлакат қандай ривожланаётганини кўрсатадиган, аҳоли турмуш даражасини юксалтирадиган муҳим омиллардан биридир. Шу сабабли фуқароларни уй-жой билан таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш, яқка тартибда уй-жой қуриш ишларини рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар доимий диққат-эътиборимда бўлади.

Акмал Сафаев ҳар бир ишга жонқуярлик билан ёндашади. Шу сабабли унинг сайловолди дастури, ўзи илгари суратган соҳаларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида илчил қуралишига ишонамиз.

Қашқадарё вилояти

Фуркат НАРМАТОВ

(112-Қарши сайлов округи)



1977 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Фарғона давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — тарихчи.

У 1996 йилдан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилоят Кенгашида бўлим мудири, 2010 йилдан раис ўринбосари, 2012 йилдан ҳозиргача унинг раиси лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Фуркат Нарматов меҳнат

фаолияти давомида ёшлар муаммоларини ечиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур ҳолатларда амалий ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Унинг ташаббуси билан вилоятдаги Меҳрибонлик ва Ногиронлар уйлари оталиққа олиниб, мазкур муассасалар тарбияланувчилари ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Шунингдек, маънавий-маърифий ҳамда хайрия тadbирлари ташкил этишда фаоллик кўрсатмоқда.

Фуркат Нарматов сайловолди дастурида кам таъминланган, барқарор даромадга эга бўлмаган оилалар фарзандларига давлат грантлари ажратилиши, уларни истеъдод ва қобилиятларини юзага чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Бундан ташқари, дастурдан ногирон

болалар учун зарур махсус адабиётлар ва қўлланмалар сотиб олишни ўз ичига оладиган инклюзив таълим тизимини замон ва халқаро талаблар даражасида ривожлантириш каби муҳим тақдирлар ўрин олган.

— Депутат бўлиб сайлансам, энг аввало, тўлов контракт асосида ўқийдиган талабалар учун таълим кредитлари ажратилиши, ёш оилалар учун имтиёзли ипотека ҳамда истеъмолад кредитлари бериш механизмларини янада соддалаштириш масалалари бўйича тақдирларимни қонунчиликда ифода этилиши учун ҳаракат қиламан, — дейди у. — Бундан ташқари, яратилмаётган янги иш ўринларида ёшлар учун махсус квоталар ажратиш, меҳнат муносабатларида уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари эътиборга олинishi бўйича ҳам ўз фикрларимни илгари сураман.

Шаҳида НАМАЗОВА

(113-Бешкент сайлов округи)



1966 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Ҳозирги Қарши давлат университетини тугатган.

Меҳнат фаолиятини Қарши шаҳридаги 10-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1989-1998 йилларда Қарши туманидаги «Феруза» фермер хўжалиги ишчиси, 1998 йилдан ҳозирги вақтга қадар мазкур фермер хўжалиги раҳбари лавозимида меҳнат қилиб келмоқда.

Шаҳида Намазова тажрибали фермер сифатида мамлакатимиз

да олиб бориладиган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. У Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси эканлигидан ҳақини равишда фахрланади.

У корхона ва иш берувчиларнинг тегишли ҳудуддаги касб-хўнарсан коллежларига бириктирилиши ҳамда мунтазам ҳаракатдаги «колледж-корхона» алоқаларини йўлга қўйилишини қўллаб-қувватлаган ҳолда, ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келадиган кишилар бандлигини таъминлашнинг самарадорлигига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

— Депутат бўлсам, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган фермер хўжалиқлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаман, — дейди у. — Айниқса, фермер хўжалиқларида кафолатланган иш ўринлари ташкил этиш, уларда ёшлар учун махсус квоталар белгилаш

каби масалалар қонунчиликда ўз ифодасини топишига ҳаракат қиламан. Бу эса ўз навбатида, касб-хўнарсан коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, битирувчиларга яқка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитлар бериш, улар ташкил этаётган тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишдаги мавжуд йўғим ва боғлардан озод этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш ва амалга ошириш сайловолди дастурининг асосий йўналишлари ҳисобланади. Бир марталик вақтинча иш билан банд бўлган шахсларнинг қонуний фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий механизмларини таъминлаш ва ижтимоий сугуртаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга қаратилган тақдирларим ҳам муҳим масаладир.

Умида ГАЗИЕВА

(114-Қамаши сайлов округи)



1968 йилда Қамаши туманида туғилган. Самарқанд давлат тиббиёт институтини педиатрия факультетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини Қарши шаҳридаги вилоят болалар шифонасида бошлаган. 1992-2000 йилларда Қаршидаги 2-болалар поликлиникасида педиатр, 2000-2002 йилларда вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бош педиатри, 2002-2005 йилларда бошқарма бошлиғининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўринбосари, 2006 йилдан вилоят

соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Депутатликка номзод Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида таҳсил олган. У Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари мавзусига бағишланган магистрлик диссертациясини ёқлаган.

Умида Газиева Япония, Эстония, Россия давлатларида ўтказилган халқаро илмий конференцияларда иштирок этган. Хориж тажрибасини соғлиқни сақлаш тизимига татбиқ қилишда ижобий натижаларга эришган. Шунингдек, у қишлоқ врачлик пунктларини биринчи тиббий ёрдам дорилари билан узлуксиз таъминлаш ва улардан мақсалли фойдаланиш, аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишда қишлоқ врачлик пунктлари, кўп тармоқли марказий поликлиникалар ва туман шифоналарни ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида

кўплаб тақдирлар ва тавсиялар ишлаб чиққан.

Бундан ташқари, маҳаллаларда саломатлик қунарини ташкил этиш, туман тиббиёт бирлашмалари ички дорихоналари, вилоят даволаш профилактика муассасалари марказий стерилизация пунктлари, стерил дори тайёрловчи дорихоналари, лабораторияларини реконструкция қилиш, тиббиёт архивини ташкил этишда фаол иштирок этган.

Умида Газиеванинг сайловолди дастуридан қишлоқ врачлик пунктларида тиббий хизмат сифатини яхшилаш, мазкур тармоқ фаолиятини янада такомиллаштириш, жисмоний имконияти чекланган кишилар ва бошқа айрим тоифаларга имтиёз асосида бериладиган дори воситалари рўйхатини кенгайтириш, фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари фаолияти, дори воситалари ва тиббий анжомларга нархларнинг қўйилиши устидан давлат назоратини кучайтириш, дори воситалари режимида тақдирларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Илхам КУРБАНОВ

(115-Нишон сайлов округи)



1961 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Ҳозирги Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг Қарши филиалини тамомлаган. Мутахассислиги — инженер-гидротехник.

Меҳнат фаолиятини 1982 йилда Қашқадарё вилоят сув хўжалиги лойиҳалаш гуруҳида техник-қидирувчи ва муҳандис-лойиҳачи сифатида бошлаган. Кейинчалик «Ўзмахсуссувқурилиш» трестда механик ва уста вазифасида ишлаган. 1986-1992 йилларда вилоят «Агрорасаноат»

уюшмасида янги ерларни ўзлаштириш бўйича бош муҳандис, 1992-1993 йилларда «Отчопар» уюшмасида директор ўринбосари, 1993-1996 йилларда «Агрорасаноат» уюшмасининг ер-сув хўжалиги бўлими муҳандиси, бўлим бошлиғи, 1996-1997 йилларда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бўлим муҳандиси, 2003 йилда коллектор дренаж тизимлари бошқармаси бошлиғи, 2003-2010 йилларда «Аму-Қашқадарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедиция бошлиғи лавозимларида фаолият олиб борган. 2010 йилдан Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи.

Илхам Курбанов Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан ўрин олган қатор долзарб масалалар қонунчиликда акс этиши учун астойдил қурашмоқчи. Хусусан, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ер участкалари билан таъминлаш, давлат тулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг бир

қисмини аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжман қатламлари учун уй-жой қуришга йўналтириш каби ҳаётий масалаларга эътибор қаратган.

— Қонунчилик палатаси депутати бўлиб сайлансам, биринчи навбатда, аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт тизимини, тежамкор ер усти транспорти турларини ривожлантириш учун инфратузилмани яхшилаш бўйича тақдирларимни бермоқчиман, — дейди у. — Жумладан, велосипед йўлакларини қуриш ва бошқа қудайликлар яратиш масаласини илгари сураман. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ташкил қилиш орқали ёшларни иш билан таъминлаш, ваколатли идоралар томонидан аҳолига табиий монополия субъектлари бўлган корхоналарнинг хизматларига нарх ва тарифлар ўрнатилиши иқтисодий асосланган аниқ мезонларини ишлаб чиқишнинг қонуний асосларини яратиш сайловолди дастурининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Фурқат РАҲМАТОВ

(116-Косон сайлов округи)



1983 йилда Китоб туманида туғилган. Тошкент давлат техника университетининг информатика ва ахборот технологиялари йўналишини тамомлаган. Ҳисоблаш техникаси ва бошқарилган тизимларнинг элементлари ва қурилмалари соҳаси бўйича магистр. Техника фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 2006 йилда Тошкент ахборот технологиялари университети амалий информатика кафедраси ассистенти сифатида бошлаган. 2011 йилдан кафедра катта ўқитувчиси, 2012 йилдан кафедра

мудири лавозимларида фаолият олиб борган. 2013 йилдан ҳозирги вақтга қадар Тошкент ахборот технологиялари университетининг дастурий инжиниринг факультети декани лавозимида меҳнат қилиб келмоқда.

Фурқат Раҳматов Тошкент ахборот технологиялари университети ёш олимлар кенгаши раиси сифатида кўплаб ташаббусларини илгари сурмоқда. 2013 йилда унинг муаллифлигида яратилган «Компьютер тизимларига техник хизмат кўрсатиш» ўқув қўлланмасидан республикамиз касб-хўнарсан коллежларида дарслик сифатида фойдаланилмоқда. У сигналларга рақамли ишлов бериш тизимлари ва уларнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқишга бағишланган 15 дан зиёд илмий мақолалар ва дастурий воситалар учун 4 та муаллифлик гувоҳномасига эга.

Унинг ташаббуси билан факультет қошида университетнинг иқтидорли талабалари иштирокида «Робот технологиялар» инновацион гуруҳи ташкил этилган. Мазкур гуруҳ аъзоси бўлган талабалар томонидан яратилган мобиль қурилмалар учун дастур

«BestSoft Challenge — 2013» танловиде совринли ўринни эгаллади.

Фурқат Раҳматов ўз сайловолди дастурида таълим ва касб-хўнарсан ўрғанишнинг барча учун тенг, адолатли ва ижтимоий жиҳатдан мақбул тизимини янада такомиллаштириш тарафдоридир. Шунингдек, минтақалардаги демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, жамиятнинг барча қатламларига таълим имкониятларидан эркин ва тенг фойдаланишни таъминлайдиган мактабгача, ўрта, касб-хўнарсан ва олий таълим муассасаларини ташкил этиш тизимини янада ривожлантиришни мақсад қилган.

— Депутат бўлиб сайлансам, бепул ва имтиёзли ставкалар бўйича амалга ошириладиган мактабгача таълим давлат тармоқини кенгайтириш, тўлов-контракт асосида ўқийдиган талабалар учун таълим кредитлари бериш тизимини янада соддалаштириш бўйича тақдирларимни илгари сурмоқчиман, — дейди у. — Шу билан бирга, таълим тизимида энг сўғити ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш, бу йўналишда ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш сайловолди дастурининг асоси ҳисобланади.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Қашқадарё вилояти

Ханифа Тўраева (117-Касби сайлов округи)



1968 йилда Муборак туманида туғилган. Ҳозирги Қарши давлат университетини география-биология йўналиши бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1990 йил Муборак туманидаги 21-мактабда ўқитувчилдан бошлаган. 1993-2001 йилларда 3-умумтаълим мактабда, 2001-2011 йилларда Муборак туманидаги 21-мактабда директор ўринбосари лавозимларида

фаолият олиб борган. 2011 йилдан ҳозирги вақтга қадар Муборак туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Ханифа Тўраева фаолияти давомида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, фаоллигини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ишларида кўплаб ташаббусларни илгари сурмоқда.

Аҳолининг кам таъминланган қатламлари ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келётган инсонларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш, бундай оилаларга моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар тўлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини микрокредитлаш ва микроолиялаш тизимини такомиллаштириш унинг сайлов-

олди дастурида асосий ўрин эгаллаган.

— Депутат бўлсам, аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, корхона ва ташкилотларда улар учун алоҳида квоталар ажратилишини, қонунчилик меъёрларини яратишни мақсад қилганман, — дейди у. — Шунингдек, оиланинг муқаддаслигини сақлаб қолиш, қизлар эрта турмуш қуришининг олдини олиш, никоҳдан олдинги тиббий кўрикдан ўтиш тизимини янада қатъийлаштириш устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш депутатлик ишмининг муҳим йўналиши бўлади.

Ханифа Тўраева «Мустақилликнинг 15 йиллиги», «Мустақилликнинг 20 йиллиги» кўкрак нишонлари ҳамда вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитасининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

Шокиржон ШУКУРОВ (118-Китоб сайлов округи)



1975 йилда Китоб туманида туғилган. Ҳозирги Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тугатган.

Меҳнат фаолиятини 1995 йилда Китоб туман хусусийлаштириш бўлимида мутахассисликдан бошлаган. 1995-2001 йилларда туман хусусийлаштириш бўлимида ҳисобчи, 2001-2003 йилларда Китоб туман ҳокимлиги ҳузуридаги тadbirkorлик субъектларини рўйхатдан

ўтказиш бўлими мудури вазифаларида ишлаган. 2010 йилдан буён Китоб туман ҳокимлиги ҳузуридаги тadbirkorлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиги лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастуридан келиб чиққан ҳолда, у ўз сайловолди дастурида қуйидаги ишларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйган. Аввало, меҳнатга ҳақ тўлашни изчил ошириб бориш, тadbirkorлик субъектлари учун солиқ ставкаларини мақбуллаштириш ҳисобига жисмоний шахслар даромадларига ўрнатилган солиқ ставкаларини босқичма-босқич пасайтириш, солиққа тортилган базанинг кенгайтирилиши ва самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш, солиқларни тартибга солишни яхшилаш сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

— Ушбу чоралар аҳолининг, аввало, унинг кам таъминланган қатламлари харид қобилиятини оширади, — дейди у. — Бу эса иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатлантуруви

кучи, иқтисодиётнинг реал сектори ўсиш суръатларини изчил ошириб боришни мустаҳкам асоси ҳисобланади. Мазкур чоралар меҳнатга нисбатан кам ҳақ тўланадиган жойларда иш берувчилар ва ходимлар ўртасида очик меҳнат муносабатларини ўрнатилган, меҳнат ҳуқуқлари, ижтимоий ва бошқа кафолатларга амал қилинишини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Шокиржон Шукуров, шунингдек, ойлик маош, пенсиялар, стипендиялар ва уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларига тўланадиган ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли товар ва хизматлар бозоридаги монопол ҳолатини чеклашга йўналтирилган сиёсат самарадорлигини ошириш тарафдори. Бундан ташқари, монопол корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нарх ва тарифлар ўрнатишдан аҳолининг кам таъминланган қатламлари манфаатларини ҳисобга олиш зарур, деб ҳисоблайди.

Саттор РАҲМАТОВ (119-Чироқчи сайлов округи)



1973 йилда Китоб туманида туғилган. Тошкент педиатрия тиббиёт институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1990 йилда Китоб туманида бошлаган. 1997-1998 йилларда Шахрисабз шаҳридаги оналар ва болалар шифохонасида, 1998-2002 йилларда Китоб туман болалар поликлиникасида врач, 2002-2010 йилларда Китоб туман болалар поликлиникасида бош шифокор вазифаларида ишлаган.

2004-2009 йилларда 22-Айрончи сайлов округидан халқ депутатлари Китоб туман Кенгаши депутати, 2009 йилда

119-Чироқчи сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган. Қуйи палатанинг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси аъзоси.

Саттор Раҳматов Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фаолияти давомида қонунларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати манфаатлари билан боғлиқ нормаларнинг акс этишида муносиб иштирок этмоқда.

У ўзининг сайловолди дастурида аҳолига бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами ва мақбул тиббий хизмат кўрсатилишини янада кенгайтириш ва унинг сифатини ошириш билан боғлиқ масалаларга асосий эътибор қаратган. Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликда аҳолини ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларига малакали тиббиёт-санитария ёрдами ва асосий тиббий хизматларни бепул кўрсатиш билан боғлиқ тегишли қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши устидан тизимли депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш тарафдори.

— Депутат бўлиб сайлансам,

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига манзилли ёрдам кўрсатиш ва фуқароларнинг ижтимоий манфаатларига оид бошқа масалаларга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш мажбурийлигини белгилаш бўйича таклиф бермоқчиман, — дейди у. — Шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда катта қизиқишга сабаб бўладиган масалалар бўйича қарор қабул қилишдан аввал маслаҳатлашувлар ўтказишнинг мажбурий эканлигини белгилаб берувчи процессуал механизмларни тасдиқлаш муҳим, деб ҳисоблайман. Айниқса, ҳукумат сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари билан, жойлардаги ҳокимликлар эса партияларнинг тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиши муҳим аҳамиятга эга.

Саттор Раҳматов ЎЗХДП сайловолди дастуридан келиб чиқиб, аввало, тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш бўйича аниқ таклифларни илгари сурини мақсад қилиб қўйган.

Феруза ЭШМАТОВА (120-Шахрисабз сайлов округи)



1979 йилда Яқкабоғ туманида туғилган. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини (бакалавр, магистратура) тамомлаган. Юридик фанлар номзоди.

Меҳнат фаолиятини 2002 йилда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини халқаро ҳуқуқ ва қиёсий қонунчилик кафедраси ўқитувчиси сифатида бошлаган. 2003-2006 йилларда Халқаро ҳуқуқ йўналиши

бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борган. 2006 йилдан ҳозирги вақтга қадар Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси дошенти сифатида фаолият юритиб келмоқда. 2007 йилда «Халқаро парламент ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий хусусиятлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Феруза Эшматова 30 дан ортиқ илмий-оммабоп мақола-лар, ўқув қўлланма ва монографиялар муаллифидир. У қонун лойиҳалари юзасидан ўтказилган муҳокамаларда иштирок этган.

Феруза Эшматова ўз сайловолди дастурида ҳар бир инсонга дипломатия университетини халқаро ҳуқуқ ва қиёсий қонунчилик кафедраси ўқитувчиси сифатида бошлаган. 2003-2006 йилларда Халқаро ҳуқуқ йўналиши

яратади, фуқаролик жамиятини шакллантиришни янада кучайтириш бўйича таклифларини илгари сурмоқда.

Шунингдек, у ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли масалаларни тартибга солишга бевосита таъсир қилувчи кучга эга қонунларни қабул қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва фуқароларнинг ижтимоий манфаатларига оид бошқа масалаларга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамаси ва жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш гоёларини қўллаб-қувватлайди.

Феруза Эшматова суд-ҳуқуқ тизимида туманлараро ҳамда шаҳар даражасидаги фуқаролик судлари тармогини кенгайтириш орқали аҳолининг ҳуқуқлари янада асосли ва адолатли ҳимоя қилинишига ҳисса қўишини мақсад қилган.

Лола САОДАТОВА (121-Яқкабоғ сайлов округи)



1972 йилда Яқкабоғ туманида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1995 йилда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида радиожурналистикдан бошлаган. 1996-2000 йилларда Қамаш туман ҳокимлиги Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, туман

ҳокимлиги ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби бўлиб ишлаган. 2007 йилдан буён Маънавият тарғибот маркази Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари сифатида ишлаб келмоқда.

Лола Саодатова ўз фаолияти давомида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш, ёш авлодни миллий ғоя, миллий мафкура ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Унинг ташаббуси билан вилоятда Давлат дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида «Глобаллашув ва ёшлар тарбияси», «Оила барқарорлиги: муаммолар, тажрибалар, истиқболлар», «Соғлом авлод тарбиясида маънавиятнинг ўрни» каби мавзуларда илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Шунингдек, «Диний экстремизм ва терроризм — жамият барқарорлигига таҳдид», «Воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва назоратсизликнинг олдини олиш юзасидан оила-оналар учун эслатма», «Огоҳлик, хушёрлик ва бирдамлик — давр талаби» сингари мавзуларда қўлланма ва буклетлар чоп этилишида фидойилик кўрсатди.

Лола Саодатова Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Фаол аёллар» қаноти Қашқадарё вилоят бўлими етакчиси сифатида ҳам жамиятда хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳит яратишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ташкил этишда фаол иштирок этмоқда.

Унинг сайловолди дастуридан хотин-қизларни иш билан таъминлаш, сиёсий-ҳуқуқий билиминини ошириш, ногирон болаларни зарур махсус адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлашни ўз ичига оладиган инклюзив таълим тизимини такомиллаштириш, олис ва чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган ёшларнинг бўш вақтининг мазмунли ташкил этиш ҳамда спорт билан шуғулланиши учун мўлжалланган инфратраспортини янада ривожлантириш каби масалалар асоси олган.

оилалар учун эслатма», «Огоҳлик, хушёрлик ва бирдамлик — давр талаби» сингари мавзуларда қўлланма ва буклетлар чоп этилишида фидойилик кўрсатди.

Лола Саодатова Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Фаол аёллар» қаноти Қашқадарё вилоят бўлими етакчиси сифатида ҳам жамиятда хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳит яратишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ташкил этишда фаол иштирок этмоқда.

Унинг сайловолди дастуридан хотин-қизларни иш билан таъминлаш, сиёсий-ҳуқуқий билиминини ошириш, ногирон болаларни зарур махсус адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлашни ўз ичига оладиган инклюзив таълим тизимини такомиллаштириш, олис ва чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган ёшларнинг бўш вақтининг мазмунли ташкил этиш ҳамда спорт билан шуғулланиши учун мўлжалланган инфратраспортини янада ривожлантириш каби масалалар асоси олган.

Комила КАРАМОВА (122-Ғузор сайлов округи)



1960 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1982 йилда Нишон туман газетасида бошлаган. 1994-1995 йилларда Қарши шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси раиси, сўнгра йилларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қарши шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари, раиси ҳамда «Насаф» газетаси бош муҳаррири лавозимларида фаолият олиб борган.

Комила Каромова Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси. У Қонунчилик палатасидаги фаолияти давомида қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати, хайрихоҳлари, тарафдорлари манфаатлари билан боғлиқ меъёрлар акс этиши учун ҳақ ҳаракат қилди. Хусусан, «Йул ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги», «Фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги» қонунларни такомиллаштириш бўйича ўз таклифлари билан қатнашди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг аъзоси сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.

Сайловчилар билан учрашувлар натижасида қатор қонун лойиҳаларини такомиллаштиришда партиянинг дастурий мақсадлари, электорат манфаатларидан келиб чиқиб таклифларини билдирмоқда. Қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш, ижтимоий масалаларга бағишланган

қатор тadbirkorларни ўтказишда намуна бўлмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг минтақавий кенгашлари томонидан ташкил этилган кўчма Жамоатчилик қабулхоналари ишида фаол қатнашиб, аҳолини ўйлантираётган масалалар юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларига депутатлик сўрови юборди. Уларни тегишли тартибда ҳал қилишга эришди.

— Яна депутат бўлиб сайлансам, пенсионерлар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, аҳолининг меҳнат қила олмайдиган бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётини яхшилашнинг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг аъзоси сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. — дейди у. — Шунингдек, кам таъминланган оилалар вакилларида ўз ишини очиниш учун бегарз сеуда (грант) бериш институтини қўллаш йўли билан уларни оилавий тadbirkorлик фаолиятига жалб қилиш бўйича меъёрларни асосларини янада такомиллаштиришга ҳаракат қиламан.

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ўқув полигонидида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари навбатдаги йилги курсантларининг қасамёд қабул қилиш тантанаси бўлиб ўтди.

Ватанга содиқлик қасамёди

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш энг муҳим вазифалардан бирига айланган.

10 мингдан ортиқ мутахассис кадрлар тайёрланди. Улар бугунги кунда ички ишлар идораларида хизмат олиб бориб, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, фуқароларимизнинг хотиржам яшашлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифани сидқидилдан бажариб келишмоқда.

Равшан ШОДИЕВ, Ўзбекистон овози мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



«Агробанк» кредитлари

янги иш ўринлари яратишга, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда

Мамлакатимизнинг етакчи тижорат банкларидан бири бўлган «Агробанк» АТБ республикамиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида кўплаб ишларни амалга оширмоқда.

Банкнинг Андижон вилоят бошқармаси томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан бажарилган ишлар бунга яққол мисол бўла олади.

Тирилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида 298 нафар йилгит-қиз иш билан таъминланди. Шунингдек, бошқарма томонидан Президентимизнинг озик-овқат товарлари ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиршига доир қарорига асосан жорий йилнинг 1 ноябрга қадар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлик субъектларига 16 миллиард сўм кредит ажратди.

Диёрбек Мадаминов — Корхонамизда тикувчиликни ривожлантиришни ўйлаб юрар эдик. 2014 йилда тикув машиналари ва хомашё сотиб олиш мақсадида банкдан кредит олишга қарор қилдик.

Айни пайтда банк томонидан аҳолига бир неча янги хизмат турлари таклиф этилмоқда. Хусусан, «On-Line» карта фойдаланувчилари учун янги «UZCARD-CLICK» хизмати жорий қилинмоқда.

Ucellдан 4G/LTE:

Ҳаммаси янада осон, тез ва қулай

Ўзбекистондаги етакчи уяли алоқа компаниялардан бири бўлган Ucell мобил алоқанинг тўртинчи авлоди — 4Gни ишга туширди.

Бу янги технологиянинг тақдимот маросими пойтахтимиздаги «Next» савдо-кўнгличлар мажмуасида ўтказилди. Унда компаниянинг корпоратив мижозлари, абонентлари, савдо мажмуасига ташир буюрувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

турлардан фойдаланишда катта қулайлик. Учундан, бизнес учун мобил курилмалар орқали интернет тармоғига киришда қулай ва осон шартлар. Энг муҳими эса барча тарифлар арзон ва ҳамёнбоп.

Тақдимот давомида маросим иштирокчилари шу ернинг ўзига, савдо мажмуасининг атриумида ўрнатилган Ucell демо бурчагида 4G/LTE мосламалари орқали юқори тезлик ва ушбу хизмат турининг афзалликларини синаб кўриш имкониятига эга бўлди.

Биз уларнинг айримлари фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик. Деярли ҳар қуни мобил телефонидан интернетга қираман, — дейди Ucell абоненти Мирвоҳид Шорасуллов. — Саҳифаларнинг очилиши, файлларни юклаб олиш баян жуда кўп вақт талаб этади.



Шундай қилиб, Ucell компанияси Ўзбекистонда уяли алоқанинг янги авлодини жорий этиш бўйича яна бир муҳим қадам қўйди. 2014 йилнинг 1 декабридан эътиборан Тошкент шаҳрида жойлашган Ucell офисларида 4Gга улашиш мумкин.

РЕКЛАМА

«BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар ҳокимининг 2014 йил 7 ноябрдаги 1511-сонли қарорига асосан юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун Нон ва нон ҳамда қандолат маҳсулотлари пишириш цехи биноси қуриш учун ажратилган Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Мирдўстим кўчаси ёқасида жойлашган 1 та 250,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 237 755 сўм. Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади.

юртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бюртманомани икки нусхада тақдим этади: — юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилган жисмоний шахсларнинг рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашган ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — танлов ташкилотининг банк ҳисоб-рақамига закалат тўланганлиги тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха; — танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тўзилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Хўш, TeliaSonеганинг бир қисми ҳисобланган Ucell тақдим этаётган 4G/LTE бизга нима беради? Бу биринчидан, секундида 150 М/битгача бўлган юқори тезликдаги мобил интернет. Иккинчидан, медиа хизматлар, мобил телевидение, турли хил онлайн дас-

булади. Чунки компания 3Gга қараганда ўн марта юқори тезликдаги интернетни таклиф этмоқда. — Энди Ўзбекистон аҳолиси юқори тезликдаги интернет — 4Gдан Ucell тармоғи орқали ҳам фойдаланиши мумкинлигини мамну-

нишлари мумкин. Режамиз 4G тармоғини Самарқанд, Бухоро ва бошқа йирик шаҳарларда ҳам ишга туширишди. Биз тақдим этаётган 4G асосий учта сифати билан ажралиб туради: юқори даражадаги тезлик, қулайлик ва арзон нархлар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тақдимотда компаниянинг кўплаб корпоратив мижозлари иштирок этди. Улар тақдим этилаётган 4Gнинг имкониятлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. — Бизнинг компаниямиз автомобилларга GPS навигаторлар ўрнатиш, корхона ва

Музроб ОЛИМОВ

MUASSIS: XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. TAHRIR HAY'ATI: Abdulla Oripov, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, MUXIDDINOV, OCHILBOY RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV, (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA, (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45. Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56. E-mail: info@uzbekistonovozi.uz. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 1259 14254 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 22.55 Topshirilgan vaqti — 04.00. Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAIZIYEV. Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV. ISSN 2010-7633. 1 2 3 4 5